



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 25 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (12.435)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ОФИЦЕРЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси битирувчиларига диплом топширилиши ва лейтенант унвонлари берилиши муносабати билан билим юртида тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бугун бу соҳада замонавий касб кўникмаларига эга, юқори интеллектуал салоҳиятли, ҳар қандай вазиятда мустақил, тўғри қарор қабул қилишга қодир офицер кадрлар тайёрланаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда ички ишлар тизимида офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юрларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилмоқда, бу борада таълимнинг моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усуллари, илгор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётди.

Ички ишлар идоралари тизимида малакали, етук кадрларни етказиб бериш, уларни Ватанимиз, халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир ҳар томонлама баркамол этиб тайёрлашда Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган академияда ўтган давр мобайнида ички ишлар идораларининг барча соҳавий хизматларига минглаб кадрлар тайёрлаб берилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун жаҳон андозаларига мос ўқув ва моддий-техникавий база яратилган. Академиянинг инновацион пе-

дагогик технологиялар маркази, Таълим телевидион маркази, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозланган маъруза заллари, «Одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш» интерфаол ўқитиш маркази, Криминалистик тадқиқотларни ўрганиш маркази, «Намунали милиция таянч пункти» ўқув маркази ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази тингловчиларни ўқитишда таълим жараёнига замонавий инновацион педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Бугун ушбу таълим муассасасининг метин иродали ва юксак касб маҳоратини пухта эгаллаган навбатдаги битирувчилари эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларини амалда шараф билан бажариш учун йўл олмоқда.

— Болаликдаги орзуим ушалиб, офицерлик либосини кийганимдан қувончимнинг чеки йўқ, — дейди билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган лейтенант Ойбек Ашуров. — Имтиёзли диплом олиш билан бирга ўз зиммамга катта бurch ва масъулиятни ҳам олдим. Эндиги мақсадим эгаллаган билим ва малакамга таянган ҳолда эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда садоқат билан хизмат қилишдир.

Биз ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида хизмат вазифасини бажаришга йўл олаётган лейтенантларга оқ йўл тилаймиз.

Тадбирда ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов иштирок этди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Куала-Лумпурда Индонезия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Ҳиндистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг икки юздан ортиқ компаниялари иштирокида иш бошлаган Малайзия кичик ва ўрта бизнес инновациялари кўргазмаси (SMIDEX — 2013) доирасида инновация маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш учун ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатишга йўналиштирилган форум бўлиб ўтди. «SME Corp» кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш корпорацияси мазкур форумнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНияТЛАРИ КУАЛА- ЛУМПУРДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Маълумот тариқасида шуни қайд этиш жоизки, «SME Corp» корпорацияси бугунги кунда Малайзия иқтисодий тараққиётида жуда муҳим ўрин тутади. Негаки, мамлакат иқтисодиётининг ушбу тармоғида фаолият кўрсатадиган 90 фозидан зиёд корхоналар мазкур корпорациянинг аъзолари ҳисобланади.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикасининг Куала-Лумпурдаги элчихонаси томонидан юртимиз савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдироти уюштирилди.

Унда республикаимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган қўлай шарт-шароитлар, хорижий сармоялар муҳофаза этилишининг ҳуқуқий асослари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан хорижий тадбиркорларга тақдим этилаётган имтиёзли шароитлар, шунингдек, тараққиётнинг «Ўзбек модели» доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, шу орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда эришилган муваффақиятлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистонда маиший техника, электроника, тўқимачилик маҳсулотлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, қурилиш моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича сармоявий тақлифлардан иборат маълумотлар юзасидан ҳам қизиқиш кузатилади.

«SME Corp» корпорацияси раиси Дато Амин Абдул Маждид 2012 йилнинг 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иқтисодиётнинг мазкур жаҳаси тараққиёти Ўзбекистон учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишга имкон берганини айтди.

Шу билан бирга, Дато Амин Абдул Маждид Ўзбекистон ҳукуматининг микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 5 фозигача камайтириш тўғрисидаги қарорини юқори баҳолаб экан, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, жумладан, кўргазма ва кооперация биржаларида фаол қатнашиш орқали бундай ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш тақлифини билдирди.

Ўз навбатида, «Perdasama» Малайзия саноатчилари ва ишлаб чиқарувчилар уюшмаси президенти Мухаммад Иззат Амир ҳозирги вақтда малайзиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаётганлигини таъкидлади.

— Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман, шу боис унинг юксак иқтисодий тараққиёти суръатлари бўйича атрофича маълумотларга эгаман, — деди у. — Шубҳасиз, малайзиялик тадбиркорлар турли лойиҳалар бўйича сармоя киритиш мақсадида Ўзбекистоннинг имкониятлари ва иқтисодий салоҳиятини ўрганишлари лозим.

«Mula Makmur Sdn Bhd» компанияси директори Датук Альберт Лим ҳам Тошкентда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва илм ҳафта-иқтисодий «Uzbekistan Agrominotech Expo» халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмасида қатнашиш орқали Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қўлай шарт-шароитлар ва салмоқли имкониятлар билан яқиндан танишишга маълум қилди. У мамлакатимизда кичик бизнес ва фермер хўжалиқларини моливиёт қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурларни юксак баҳолади.

Шунингдек, малайзиялик тадбиркор Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш мажмуасини йўлга қўйиш юзасидан ўз режасига эга эканлигини ҳам айтди.

Тақдирот чоғида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида жорий йил сентябрида Куала-Лумпурда ўтказилиши режалаштирилаётган тақдиротлар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

«Жаҳон» АА.
Куала-Лумпур



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Жиззах вилоятида маҳалла ёшларининг тарбияси, уларни 12 йиллик мажбурий таълим жараёнига қамраб олиш ҳамда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ёш оилалар бузилишининг олдини олишда ҳамкорлик тизимини яратишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

• Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонлари топширилди.

• Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Туркистон Улугбек бизнес» масъулияти чекланган жамиятида Африка лаққасини мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш ва ундан юқори сифатли пархез маҳсулот олиш йўлга қўйилди. Африка лаққасидан бир куб-метр сувда 300 килограммгача маҳсулот етиштириш мумкин. Синов даврида ушбу балиқни октябргача очик, кейин эса ёпиқ ҳавзаларда парваришлаш яхши самара бериши аниқланди. Ҳозир хўжаликда мингтадан кўпроқ балиқ парваришланмоқда.

• Экологик тоза, турли хасталикларни даволашда фойдали бўлган «Чорток» сихатгоҳининг минералларга бой шифобахш сувини ҳозирга қадар фақат шу масканнинг ўзидан истеъмол қилиш мумкин эди. Яқинда сихатгоҳ ҳудудида жойлашган «Чорток маъданли суви» масъулияти чекланган жамияти модернизация қилинган, ушбу неъмат қадокланган ҳолда чиқарила бошлади. Янги лойиҳа шарофати билан 18 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

• Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театрида мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочилари кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган бадиий жамоалар ҳамда санъаткорлар мақом, катта ашула ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон шимолида жойлашган штатларда тинимсиз ёққан ёмғирлар натижасида келиб чиққан сув тошқинлари 6,5 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ҳозирда сув босган ҳудудлардан 34 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди, бироқ 50 мингга яқин одам ҳали ҳам тошқинлар рўй берган ҳудудларда қолиб кетган.

• Янги Зеландиянинг «Толкинг технолджис» компанияси ихтирочилари электрон кутубхоначининг янги намунасини яратишди. «Форэйжер» дея номланган бу робот кутубхоначи бажариши керак бўлган барча юмушларни қила олади. Хусусан, телефонда мижоз билан мулоқот қилиши, факс ёки электрон почта орқали хат ва бошқа жўнатмаларни юбориши, кутубхонада қандай китоблар борлиги ва улар ҳақида қисқача маълумот бериши ҳам мумкин. Ҳаттоки, мижознинг қизиқишига қараб, унга мос китобларни тавсия этади. Ҳайратланарли томони шундаки, «Форэйжер»нинг электрон «мияси» 20 миллион вазифани бажара олиш қувватига эга.

• Кеча америкалик машҳур дорбоз Ник Валленда Гранд-каньон тоғлари орасидаги узунлиги 427 метр масофани кучли шамол ҳалал берса-да, ҳеч қандай хавфсизлик воситаларидан фойдаланмаган ҳолда қалинлиги беш сантиметрлик пўлат арқон устидан 23 дақиқа давомида босиб ўтишга муваффақ бўлган. Таъкидлаш жоизки, қоялар орасидаги жарнинг чуқурлиги 450 метрга яқин эди. Валленда Гранд-каньоннинг устидан шундай йўл билан ўтган дастлабки киши ҳисобланади.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** ЎЗМУ қошидаги С.Сирожиiddинов номли акаде-

мик лицейда «Ёшлар парвози» деб номланган байрам дастури уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Мустақилли-

гимизнинг 22 йиллигига бағишланган «Истиклол берган неъматлар» мавзусида бастакорларнинг шўба йиғилиши ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманида-

ги «Кўркамобод» маҳалласида «Ободлик — кўнгил мулки» мавзусида ўтказиладиган давра суҳбатига маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этадилар.

(Давоми 2-бетда)

Оммавий ахборот воситаларида ахборотнинг эркин айланиши демократик жамиятнинг асосий сиёсий ва ижтимоий идеалларидан бирини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, инсон жамиятда ижтимоий фаолиятини амалга ошириши учун доимий равишда ахборот оқимида эҳтиёж сезади. Инсон учун ижтимоий муҳит, атрофдаги олам билан доимий ахборот алмашиб туриш нормал ҳаёт кечиришнинг муҳим шартларидан бирidir.

ОАВ ижтимоий фикрни шакллантиришнинг муҳим манбаи сифатида жамиятни бошқариш имкониятига эгалигини инobatта оладиган бўлсак, бу ҳуқуқдан масъулият билан фойдаланиш лозим. Соҳа ҳодимлари катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлгани ҳолда жамият олдида жавобгардирлар. Сўз эркинлигини суистеъмол қилиш дунёнинг барча мамлакатларида қонун асосида ҳабоқланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини либераллаштириш, ОАВнинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларни демократик ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи қучига айлантиришнинг миллий стратегияси ҳисобланади.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, очик фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим йўналиши давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятида янада очиклиқни таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ҳақида узлуксиз хабардор қилиб боришдир. Бу борада «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этди.

Хорижий давлат ахборот хизматлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, улардан жамоатчилик билан алоқа бўлиш ҳамда давлат ва ОАВ ҳамкорлиги тизимида ошқоралиқни таъминлашнинг энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Улар ахборот оқимининг бошқарувга оид қарор ва позициялар билан интеграциясини таъминлашга қодир бўлган информацион инфратузилмани яратадилар. Бу эса давлат ахборот сиёсатини самарали амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Маълумки, деярли барча демократик мамлакатларда ахборотнинг ёпиқлиги қондасини ҳар хил талқин қилишнинг истисно этакдиган норматив-ҳуқуқий база мавжуд. Ҳатто Буюк Британия сингари ахборот эркинлиги ҳақида қонун мавжуд бўлмаган мамлакатда ҳам томонлар (давлат ва жамият) ўртасида у ёки бу ахборотни тақдим этишнинг қонунийлиги юзасидан келиб чиқадиган низои суд тартибда ҳал қилиш механизми йўлга қўйилган. Шу тариқа демократик давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири бажарилади — сўз эркинлиги принципини мувофиқ фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи таъминланади ҳамда шахсий ҳаётга оид сирлар ва интеллектуал мулк муҳофиза қилинади.

Мамлакатимизда Конституция, Фуқаролик, Жиноят кодекслари ҳамда ОАВ фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган махсус ҳуқуқий ҳужжатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари ҳисобланади.

Асосий Қонунимизда (67-модда) оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги қафолатланган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги қонунда (2007 йил 15 январь) журналистлар ва ОАВнинг жамият ва давлат билан муносабатлари янада аниқлаштирилган. Мазкур қонун ОАВ фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида»-ги, «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги қонунларнинг қабул қилиниши эса ахборот олиш эркинлигини қафолатлаб, соҳада ҳуқуқий майдонни юзага келтирди. Қисқа қилиб айтганда, юртимизда ахборот манбаларидан фойдаланиш қафолатлари таъминланган, миллий ахборот ресурсларини кенгайтириш ва яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, давлат матбуот хизмати жамоатчилик билан алоқалар хизмати (PR-хизмат)нинг бўлинимаси ҳисобланади. Агар идорада бундай хизмат бўлмаса, одатда матбуот хизмати ушбу функцияларнинг бир қисмини бажаради. Нафақат ахборотни жамоатчиликка етказиш, балки жамоатчилик ва хорижий давлатлар олдида ҳокимият органларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва нуфузини оширишга ҳаракат қилиш ҳам уларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис деярли барча матбуот хизматлари ўз ишида фаол позицияни эгаллашади.

Давлат ва жамият ўртасидаги сиёсий мулоқотларда, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзида ахборот алмашинуви самардорлигини оширишда ахборот (матбуот) хизматлари муҳим роль ўйнаши керак. Бу борада 2006 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 203-қарори, кейинроқ эса давлатнинг информацион очиклик даражасини оширишга қаратилган бир қатор ҳукумат ҳужжатлари қабул қилиниб, унда давлат ҳокимияти органлари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ҳозирги вақтга келиб деярли барча вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари йўлга қўйилди ёки мавжудлари қайта ташкил қилинди. Раҳбарият томонидан белги-ланган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, идора фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ОАВда эълон қилиш, интернет тармоғида идоранинг веб-ресурсларини яратиш ва самарали ишлашини таъминлаш, идора фаолияти хусусидаги жамоатчилик фикри ҳамда миллий ва хорижий ОАВ позициясини таҳлил қилиш ва раҳбариятни бундан хабардор этиш уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилаб берилган.

Мамлакатимиз ОАВларида уларнинг ижроси таъминланиб, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, вазирлик ва идораларнинг фаолияти, ҳар хил дастур ва лойиҳаларнинг ижросига оид информацион ва таҳлилий материаллар мунтазам эълон қилинмоқда, вазирлик ва идораларнинг веб-сайтлари яратилган, ахборот майдонини мониторинг қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Кези келганда таъкидлаш керакки, деярли барча хорижий матбуот хизматларида мулоқот механизми яхши йўлга қўйилган. Ташкилот доирасида ва ундан ташқарида юритиладиган ахборот сиёсати юзасидан доимий равишда мониторинг ўтказилади. Бунда матбуот хизматлари шундай муҳим хусусиятга эгаки, улар ўзгарувчан жамоат фикрининг у ёки бу нозик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда

ўз стратегияларини кескин ва самарали тарзда ўзгатиришлари мумкин.

Афсуски, республикаимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари у ёки бу давлат органи фаолиятидаги муаммолар, уларнинг сабабларини аниқлашга қаратилган жамоатчилик фикрини ўрганиш усулидан жуда кам фойдаланмоқда. Масалан, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекивест» компаниясининг ахборот хизматлари шундай тadbир ўтказиш бўйича муайян тажрибага эга. Хусусан, «Ўзбекивест»нинг ахборот хизмати ҳар йили ўзининг PR-фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан маркетинг таҳлилин ўтказишга буюртма беради. Тадқиқот 40 та маҳаллий ОАВ ҳамда бизнесменлар доирасининг вакиллари бўлиши 100 нафар респондент ўртасида ўтказиладиган сўровни ўз ичига олади. Бу тажриба, албатта, таҳсинга сазовор.

Қайд этиш жоизки, узвий алоқа шакллари («савол-жавоб» бўлимлари) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ақсарият веб-сайтларида мавжуд. Бундай техника билан алоқалар бўлимлари ва матбуот хизматлари бу масалага алоҳида эътибор қаратайтиш ва ҳодимлар (PR-мутахассислар, журналистлар, сиёсатшунослар ва бошқалар)ни танлашда уларнинг профессионал тайёр-гарлиги ва киришимлили хусусиятлари синчковлик билан ўрганилмоқда.

Ахборот хизматларини фаоллаштиришнинг энг муҳим элементи ҳам ҳодимларнинг профессионализмидир. Шу сабаб ҳодимларнинг билим ва малакасини ошириш ишларини тизимли равишда ташкил қилиш учун ахборот хизматлари фаолиятининг турли йўналишлари, масалан, пресс-релизлар тайёрлаш, пресс-конференция ва брифинглар уюштириш қўнимасини тақомиллаштириш, веб-сайтлар контентини самарали бошқариш, медиа ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўйича мунтазам семинар-

тренинглар ўтказиш йўлга қўйилган. Ҳозирдаги каби чора-тадбирларни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ОАВ билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш қўнимчаларини ривожлантириш бўйича фуқаролик жамияти институтлари томонидан турли лойиҳалар амалга оширилаётганини ҳам эъти-роф этиш жоиз.

Қайд этиш керакки, репортёрларнинг янги авлоди махсус гуруҳни ташкил этувчи профессионал журналистларнинг ижодий технологиясини билишлари керак. Негаки улар воқеаларни таҳлил қилишда, аҳамиятини очиб беришда, ўқувчи, тингловчи ва томошабинни жалб эта олишда, шу мақсадда ОАВга воқеа ҳақида турли-туман нуқтаи назарлар акс этган материалларни тақдим этишлар. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг аниқлиги, мураккаблик даражаси, суръати жуда юқори. Журналистлар ай-ниқса бозор иқтисодиёти шaroитида «мустақил матбуот» атамаси нимани англатишини аниқ билишлари зарур.

Яна хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда матбуот хизматларининг фаолияти информацион ишчи режалаштиришга асосланади. ОАВ билан ишлашнинг ташкил этишга қўйиладиган асосий талаб тизимли ёнда-шув ҳисобланади. ОАВ вакиллари билан ҳамкорлик қу-ти-лаётган натижа нуқтаи назаридан аниқ режалаштирилган ва ҳисобга олинган бўлади.

Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот сиёсатини амалга ошириш воситалари ва механизмларини тақомиллаштириш мақсадида 2005 йилдан бошлаб ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинган. Улар идораларнинг раҳбарлари ва ўрин-босарлари, етакчи ҳодимлари иштирокда теледасту-рлар, интерактив тадбирлар, пресс-конференция ва бри-финглар ўтказиш орқали аҳолининг давлат ҳокимияти органлари фаолиятдан хабардорлигини оширишга қар-атилган.

Бosh прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таъ-лими вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси каби бир қатор органларнинг бу борадаги фаолияти яхши йўлга қўйил-ган ва бошқа органлар бу йўналишда улардан ибрат олса арзийди. Жамоатчиликни ташкилот фаолияти ҳақида хабардор қилишда идоравий нашрлар ва марказий ОАВ-да (қўпчина ЎЗА, «Халқ сўзи», «Народное слово») ма-қола ва норматив ҳужжатларни эълон қилиш етакчилик қилади.

Афсуски, бугунги кунда давлат ҳокимияти органларида мамлакатимиз ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтқа-зиш механизми қўнгилдагидек эмас. Маҳаллий ОАВ би-лан тизимли равишда ҳамкорлик қилиш тақозо этилган ҳолда уларда аккредитациялаш механизми доимий асос-да ишламаяпти. Бунинг устига, ақсарият вазирлик ва ид-оралар фаолиятларини ёритиш учун аккредитациядан ўтма-ган бўлса-да, жалб қилиниши мумкин бўлган журналист-ларнинг норасмий «гурӯх»ларини ташкил этишга ҳаракат қилишлар.

Шу жиҳатни инobatта олганда, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғриси-да»-ги қонун лойиҳасида аккредитациялашнинг амалдаги тизими мустаҳкамлаб қўйилиши журналистларнинг муай-ян давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органи фа-олиятининг у ёки бу секторига доимий иқтисослашишга қўмаклашди. Бундан ташқари, ахборот хизматлари ва журналистлар ўртасида барқарор алоқалар шаклланади.

Маълумки, барча хорижий матбуот хизматлари ахбо-ротни ўз вақтида тақдим этиш принциплари катий рйоя қилишади. Англияликлар жуда оз вақт мобайнида аниқлик ҳисобланади, шу боис улар ҳақида зудлик билан хабар бериш керак. Акс ҳолда ОАВ учун уларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди, бундан ҳам ёмони, жамоатчилик ора-сида тегишли воқеага доир турли миш-мишлар тарқала бошлайди.

Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз фаоллик билан ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни ривожлан-тириш сиёсатини юритаётган давлатлар сирасига қиради. Ўзбекистонда айниқса АКТни ривожлантиришга ижтимо-ий-иқтисодий тараққиёт ва жаҳон ҳамжамиятига интегра-циялашувга эришиш имконини берувчи стратегик йўна-лишлардан бири сифатида қаралаётгани эътиборга мо-лиқдир.

Аҳоли, ёшлар, бизнес тузилмаларининг давлат сиёсати ҳақида замонавий интернет технологиялари воситасида ха-бардорлиги, ижтимоий аҳамиятга эга ахборотларнинг очик-лигини таъминлаш, интернет имкониятларидан фойдала-нишни янада кенгайтириш, АКТ асосида давлат, жамият ва ОАВ ҳамкорлигининг самардорлигини ошириш, давлат хизматчилари ва журналистларнинг АКТдан фойдаланишга оид билим ва қўнимчаларини ошириш ОАВ ва давлат орган-ларининг веб-ресурсларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, ҳозирги вақтда барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга, истаган киши улардан ўзини қизиқтирган ҳамма ахборотни олиши, расмий ма-териаллар билан танишиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Шу тариқа он-лайн режимида ишловчи ва узлуксиз янгиланувчи сайтлар сонининг ошиши орқали аҳоли ва халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлик даражасини ошириш учун шароит яратилмоқда.

Давлат органларининг информацион ресурслари дав-лат ахбороти манбаи эканлиги, сайтга жойлаштирилган ахборот эса ОАВда эълон қилинган ахборот билан бир хил қучга эгалиги белгиланган. Бундан ташқари, веб-сайтларнинг доимий равишда янгилалиши ва ахборот би-лан тўлдириб борилиши ҳукумат, фуқаролик жамияти ин-ститутларининг доимий назоратидадир, уларнинг сутка мобайнида барча учун очик бўлиши устидан жамоатчилик мониторинги ўрнатилган.

Фойдаланувчиларнинг давлат интерактив хизматлари-дан фойдаланишга, жумладан пул тўлаб фойдаланиши-га имконият яратиш мақсадида Ўзбекистон давлат инте-рактив хизматларининг яхлит портали яратилди. Унинг асосий вазифалари сифатида давлат органларига тўғри-дан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш, фойда-ланувчиларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги са-марадорлигини ошириш, фойдаланувчиларнинг давлат органларига мурожаат қилиши йўлидаги бюрократик тўсиқ-ва говларни қамайтириш ва бартараф этиш, «электрон ҳукумат»нинг янада ривожланишига ҳамда давлат бошқа-рувига замонавий ахборот технологияларининг жорий эти-лишига қўмаклашиш қабилар белгилаб қўйилган.

Бу борадаги ишларнинг белгиланган талабларга мос-лигини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизми йўлга қўйилган. Ақсарият давлат органларининг веб-сайтлари Компьютер ва ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази (Ўзинфоком) томонидан йилига икки марта ўтказиладиган экспертиза натижалари бўйича рейтинг баҳолагарга эга бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтларига мурожаатлар статистикаси шуни кўрсатадики, уларнинг айримлари фойдаланувчилар сони бўйича ахборот агентликлари билан рақобатлашиши мумкин.

Бошқача қилиб айтган-да, бу турдаги веб-сай-тлар ахборот майдони-ни шакллантириш бўйи-ча фаол иш олиб бо-риш учун етарли потен-циалга эга.

Шу билан бирга, на-заримизда, веб-сайт-лардаги ахборотлар ҳажми чеклангани, энг аввало ҳисобот ва ахборот-таҳлил хусусиятига эга материалларни мунтазам жойлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани кўзга ташланади. Дав-лат органлари веб-сайтларининг бир неча тилгаги вер-сияларни мавжудлигини инobatта олиб, ҳисоботлар ва ин-формацион-таҳлилий материалларни мунтазам равишда жойлаштириш ишларини тақомиллаштириш зарур.

Сиёсий ислохотлар мангиси шуни кўрсатмоқдаки, ке-лажакда парламентда қўнчилик ўринига эга бўладиган си-ёсий партия ҳукуматни шакллантиради, Вазирлар Маҳма-маси ва вазирликлар эса сиёсий арбоблар сиймосида намоён бўлади. Аҳолининг, айниқса тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллиги ошиб бораёт-ганлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ишига янги-янги талабларни қўймоқда. Аввало бу ижро ҳокимияти органларининг жамоатчилик олдидаги очик-лиги ва ҳисобдорлигини таъминловчи институт ва ме-ханизмларни ривожлантириши тақозо этади.

Ўзбекистонда вакиллик ҳокимиятининг яхлит тизими шакллангани ва муваффақиятли ишлаётгани барчага маъ-лум. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакил-лик органи халқ депутатлари Кенгашлари ҳисобланади. Бугунги кунда вакиллик ҳокимияти органларининг сайъ-ҳаракатлари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини қучайти-ришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Кенгашлар олдида қўйилган вазифалардан бири фуқа-роларнинг ҳойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалаларига оид мурожаатларини чуқур таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қўмаклашишдир. Уларни амалга оширишда жамиятда очиклик ва ошқоралик принципларини таъминлайдиган ОАВ муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий муаммолари ҳал қилиш-га ОАВнинг қўмак бериши ҳойларда унинг нуфузини оши-риши, одамларнинг ишончини қозониш имконини бери-ши мумкин, шу боис давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини профессионал да-ражада ёритиш улкан аҳамиятга эга.

Афсуски, тарафларни ҳар доим ҳам конструктив ҳамкор-ликка, функционал муносабатларга тайёр деб бўлмайди. Бу журналист текшируви йўналишининг ривожланишига ҳам тааллуқлидир. ОАВ ҳали бу имкониятдан тўлиқ фойдалана-ётгани йўқ. Вилоятларнинг даврий нашрларида журналист текшируви оид материаллар камдан-кам чоп этилади. Партиявий нашрлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. ТВ, радиода ҳам шундай аҳвол кузатилади. Ҳолбуки, айнан тек-ширув материаллари вакиллик ва ижро ҳокимияти органла-рига жойлардаги ишларнинг аҳолини, муаммо ва ташвиш-ларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, бу бевосита жойларнинг ўзида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш имконини беради. Яна шунга эришиш керакки, журналистлар ўтказган текширувлар на-фақат жойлардаги қизгин муҳокамалар предмети бўлсин, балки сиёсий партиялар бевосита иштирок этадиган пар-ламент назоратини амалга ошириш учун асос вазифа-сини ўтасин. Бу ерда айнан парламент назорати ОАВни демократлаштиришга сезиларли даражада ёрдам бери-ши ҳисобга олиш лозим.

Пировардда ижро ҳокимияти органлари тизимида қарорларни тайёрлаш, амалга ошириш, ижроси натижа-ларини мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёни қайта қўриб чиқилюб, унинг барча босқичларига жамият — сай-ловчилар ва солиқ тўловчилар билан мулоқот элемент-лари киритилади.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, «Давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғри-сида»-ги қонун лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат келгусида журналистларнинг янги авлоди шаклланишига ёрдам беради, балки Ўзбекистон оммавий ахборот воси-талари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ислох қилиш ва янада тақомиллаштириш жа-раёнини сезиларли даражада тезлаштиради.

Светлана АРТИКОВА,
Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик
ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси
Нодира ЗИКРИЛЛАЕВА,
қўмита эксперти

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат
нотижорат ташкилотларини ва
фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Шаҳарлар, маҳаллалар ва қўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-му-ҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТлар-нинг фаоллигини ошириш»

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаолли-гини ва самарали иштирокини таъминлаш;
- экотуризмни ривожлантириш;
- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;
- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологиялари-дан уй ҳўжалиги, деҳқон ҳўжалиги, оилавий тадбиркорлиқни юритишда кенг фойдаланиш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга қўмаклашиш;
- биохилмаҳиллиқни, ўсимлик ва ҳайвонот дунё-си ноёб турларини сақлашга қўмаклашиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилиқни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-лар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик на-зорати механизмларини ривожлантириш;
- табиятни муҳофаза қилиш борасидаги фаоли-ятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, но-давлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқа-риш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаёт-ганлиги ҳақидаги кузатув хати;
- Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойи-ҳасининг аризаси;
- Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақ-дим этиш);
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан та-сдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаат-дор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияно-маси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқ-дори – 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Но-давлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳў-жатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Инвестиция активларининг ишончли бошқарув-чилари ва давлат мулкни самарали бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти-нинг самардорлиги мониторингини амалга оши-риш, акциядорлик ва бошқа ҳўжалик жамиятлари акцияларининг давлат пакетлари (улушлари) бўйи-ча, жумладан, уларни давлатнинг ишончли вакил-ларига, бошқарувчи компаниялар ва ҳўжалик бош-қаруви органларига ишончли бошқарувга бериш йўли билан акциядор (қатнашчи)нинг ҳуқуқларини рўёбга қиқариш ва бошқалар марказининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Маълумки, эркин жамиятда унинг келажagini белгиловчи болалар тарбияси энг муҳим масала ҳисобланади. Мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларига доир миллий қонунчилик негизи яратилди. Эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган давлатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га қўшилиб, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган бу ҳужжатларни ратификация қилиб, болалар ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилишини истиқлолимизнинг дастлабки кунидан бошлаб амалда исботлаб келмоқда. Энг муҳими, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мустаҳкамланди. Бош Қомусимизда ота-оналарнинг фарзандлари олдидagi мажбурияти алоҳида кўрсатилди. Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидagi бурчи бирон-бир мамлакатнинг Бош Қонунда эътироф этилмаган. Бундан ташқари Асосий Қонунимизда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган ва ота-онасиз қолган болаларга ғамхўрликни давлат ва жамият ўз зиммасига олиши қайд этилиб, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатлангани ҳамда «вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Республикаимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари нафақат Конституцияимизда, балки «Болалар ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисида»ги Қонунда, шунингдек, қонунчилигимизнинг деярли барча соҳаларида назарда тутилган нормалар билан ҳам амалга ошириб келинмоқда. Ўз ўрнида «Болалар ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисида»ги Қонунда «Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга», «Дав-

ни яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳар қандай давлатнинг тақдир, келажаги ёш авлодга, унинг жисмоний, маънавий камолотига боғлиқ. Шу ўринда соғлом турмуш тарзига назар ташланса – маънавий ва жисмоний саломатлик, умуминсоний ҳамда миллий қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур англаш қийин эмас.

Соғлом турмуш тарзи замирида инсоннинг жисмоний саломатлиги ва баркамоллиги, маънавий дунёқарashi ҳамда унинг шахс сифатида тўла камол топиши мужассамдир. Демак, соғлом турмуш тарзи нафақат озодлик, спорт билан шугулланиш, гийёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, гигиена қоидаларига риоя қилиш, балки соғлом муҳит яратиш, маънавий-ахлоқий тарбия, ўсирилларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, касбга йўналтиришдан иборат.

Маълумки, маънавий юксак инсоннинг турмуш тарзи соғлом кечади. Бунинг асосий негизи эса оила ва маҳалладир. Оилада маънавий, психологик ва жисмоний соғлом муҳит яратиш, ундаги соғлом турмуш тарзига улкан маънавий қадриятларимиз намунаси ва ҳозирги даврда турмушимизга сингиб бораётган янги аъёнлар асосида илмий ёндашиш, фарзандларни соғлом тарбиялашга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Модомики, оиладаги муҳит фарзанд тарбиясига катта



вий талаблар асосида билим бериш, вояга етмаганлар орасида қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига янада кўпроқ эътибор берилиши зарур.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни қучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бунга масъул бўлган давлат идоралари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида, 2011 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини таъминлаш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтаришга ҳамда мутахассис идораларнинг ташаббускорлиги билан фаолият кўрсатишга зарур ҳуқуқий замин яратди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг деярли барча бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида ёшлар масалалари бўйича махсус бўлим ва комиссиялар ишлаб турибди. Айтиш кераки, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида вояга етмаганлар масалалари бўйича ташкил этилган комиссиялар қуйи бўғинлардаги муаммоларни ҳал этишда бирламчи аҳамият касб этмоқда. Ушбу институт вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш баробарида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг мукамал даражада билим эгаллашларига ҳам қўмак бериб келмоқда.

Комиссия асосий вазифалардан бири сифатида таълим соҳасидаги давлат дастурлари ижросини доимий назорат қилиб келяпти, таълим муассасаларини замонавий ўқув-техника жиҳозлари билан таъминлашга қўмаклашмоқда. Ўтган қисқа давр ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг аниқ мақсадаги йўналтирилган яхлит тизими яратилди, ҳозирда ушбу соҳада маҳаллий мутахассислар фаолият юритиб келаятгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ички ишлар органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва бошқа жамоат бириктирилган болалар ва ўсирилларни тарбиялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарилишининг олдини олиш бўйича фаолият мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда. Зарур ҳолатларда вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ёки уларни ўқув муассасаларига юбориш учун тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 47-моддасида ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ишловлардан қўзланган асосий мақсад инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Бу шарафли ва масъулиятли вазифа эса ҳар бир юртодошимиздан фидокорона меҳнат, фидойилик, яратувчанлик ва изланувчанликни талаб этади, бугуннинг нафаси билан яшашга ўндайди.

Дарҳақиқат, ўзбек заминиди ашаётган ҳар бир фуқаро фарзандининг иқболи йўлида ҳатто ўз ҳаётини ҳам аямайди. Халқимизга ҳос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамат масаласи сифатида эътибор қаратишга ундаб турмоғи шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънаван баркамол бўлиб етиши учун давлат ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир. Истагимиз — ушбу эзгу ният ҳар бир юртодошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлانسин.

Мадамин РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
Вояга етмаганлар ишлари бўйича
комиссиянинг масъул қотиби

курслари амалга оширилади. Унда маданиятлараро тренинглари ва чет тилларини ўқитиш машғулотлари ҳам қамраб олинади. Ушбу курслар халқаро миқёсда кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Дастурда асосан турли соҳаларда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари, бозор иқтисодиёти шариоитида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошираётган ёки эндигина шаклланаётган ва немис фирмалари билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилганга интилаётган корхоналар иштирок этадилар.

Жумладан, ушбу дастур бўйича 2006 йилдан шу даврга қадар 650 нафар ўзбекистонлик тадбиркор ва менежерлар Германияда ўз малакаларини ошириб қайтишди. Шунингдек, ушбу дастурга асосан жорий йилда ҳам яна 60 нафар ўзбекистонлик тадбиркорларни ўқитиш режалаштирилган.

Мазкур тадбирда Германияда ўз малакаларини ошириб қайтган ўзбекистонлик тадбиркор ва менежерлар чет элда тажриба алмашиш жараёнида олган билим ва кўникмалари борасида йиғилганлар билан ўртоқлашди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ислохотлар оқимида

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСТУВОР ВАЗИФА

таъсир ўтказар экан, оила барқарорлигини таъминлаш, оилада етук шахсларни шакллантириш, уларнинг ақлан ва жисмонан уйғун ривожланишлари учун зарур чоралар қўриб бориш лозим. Маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш маданиятини шакллантириш мақсадида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини янада такомиллаштириш, мактабларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида соғлом турмуш маданияти бўйича ўқув дастурларини илгор педагогик технологиялар асосида олиб бориш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида оиланинг мустаҳкамлиги ва ҳамжиҳатлиги асосий омил ҳисобланади. Шу боис бугунги кунда юртимизда оиладаги соғлом муҳитни шакллантириш борасида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўлиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда оқилона яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим аҳамият касб этади.

Жисмонан бақувват, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, ватанпарвар, баркамол авлод – жамият тараққиётининг асоси эканлиги кўз олдимизда гавдаланади. Бундай қомил ёшларнинг бош маскани маҳалла эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Давр тараққиёти энг юксак намуналарининг ҳаётимизга олиб кирилиши билан бирга, қурраи замин турли маънавий хуруж ва таҳдидлардан ҳам ҳоли эмас. Қадриятларимизга ёт бўлган баъзи салбий иллатлар ёшларимиз оғи ва қалбини эгаллашга қаратилмоқда. Шу сабабли, вояга етмаган ёшларни юқорида кўрсатилган қонунларимизда белгиланган мажбурий таълим олишлари, уларни турли ахлоқсиз иллатлардан ҳимоя қилишда ота-оналар билан бирга маҳалла биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатиши лозим.

Масаланинг шу кундаги ўта муҳим жиҳати «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда батафсил қамраб олинган.

Ушбу Қонун бевосита вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалалари билан шугулланувчи давлат органлари ва муассасаларининг аниқ тизимини белгилаш, улар фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишларини тартибга солишга қаратилган.

Унга қўра, тегишли давлат тузилмалари, жумладан, ички ишлар органлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳомийлик ва васийлик органларининг ҳамда ота-оналарнинг ёш авлод таълим ва тарбияси учун масъулиятини ошириш белгиланади.

Эндиликда ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, соғлом турмуш кечирishi учун қўмак ва кенг имкониятлар туддириб бериш, ўқувчиларга замона-

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш маркази томонидан «Ўзбекистон — Галатаси Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури» битирувчилари учун навбатдаги семинар ўтказилди.

Семинарлар

ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАСТУР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, 2007 йил 12 сентябрда Тошкентда Германия Федератив Республикасининг Иқтисод ва технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти менежерларини қайта тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги қўша баёнот имзоланган. Мазкур дастурдан қўзланган асосий мақсад корхоналарда ислохот жараёнларини қучайтириш, шунингдек, мамлакат ҳудудларида содир бўлаётган тузилмавий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишга қўмак бериш-

дан иборатдир. Шу билан бирга дастур Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожига, жумладан, ғарбий менежмент ноу-хаусини ўзгартаришга, иқтисодий алоқа ва ҳамкорлиқни, айниқса кичик ва хусусий корхоналар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Олий малакали, бозор иқтисодиёти шариоитларидан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган ва ҳаракат қиладиган етакчи менежерларни тайёрлаш орқали ушбу дастур Ўзбекистон корхоналарининг рақобатбардошлигини ва бозорга йўналганлигини қучайтиради, мамлакат ҳудудларининг иқтисодий ўси-

шига, немис ва ўзбек корхоналари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга хисса қўшади. Мазкур дастурнинг Германияга тегишли қисмининг бош менежери InWent ташкилотидир. Бугунги кунда дастурга бўлган талаб тобора ўсиб бормоқда ва унда иштирок этаётган корхоналар ундан асосан ўз кадрларини ривожлантириш учун фойдаланмоқдалар. Дастур Ўзбекистонда Савдо-саноат палатаси томонидан мувофиқлаштирилади. Дастур доирасида Германияга амалиёт ташрифи олдидан корхонани бозор иқтисодиёти шариоитида бошқариш масалалари бўйича қайта тайёрлаш

2013 йил — Обод турмуш йили

ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИКА ЁРДАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шаҳримизда бирламчи тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофазалашда умумий амалиёт ҳамшираларининг ролини қучайтириш борасидаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика саломатлиги ва тиббий статистика институтининг шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги давлолаш-профилактика муассасаларининг бош ҳамширалари, журналистлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Ҳайитбоева, Республика саломатлиги ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали директори Э.Маракаева ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда тиббий-ижтимоий жабҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, касалликларнинг олдини олишда юксак самаралар бераётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада такомиллаштиришда муҳим асос бўлмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам бу йўналишда кенг қамровли вазифалар белгиланган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг самарали услубларидан бири — тиббий-профилактика хизмати тармоғи тобора ривожланаётди. Ҳозирги кунда бу йўналишда қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктлари иш олиб бормоқда. Шаҳар шариоитида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг энг мақбул услуби сифатида оилавий поликлиника йўналиши танланди. Бундай муассасаларда фаолият юритадиган малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими шакллантирилди. Мамлакатимиз аҳолисига бу йўналишда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалар самарали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Кундан кунга такомиллашаётган тиббиёт соҳасининг ютуқларини тармоққа кенг татбиқ этиш соҳа мутахассислари зиммасига алоҳида масъулият юклямоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу йўналишдаги вазифаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш мақсадида бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аҳолига кўрсатилётган профилактик ёрдамни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу малакали врачлар билан бир қаторда ҳамширалар зиммасига ҳам катта масъулият юкляйди.

Маълумотларга қўра, бугунги кунда пойтахтимизда фаолият юритаётган тиббиёт масканларида қарийб йигирма минг нафар малакали ҳамширлар эл саломатлигини асраш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бирламчи тиббий-санитария тизимиди фаолият юритаётган ушбу ўрта тиббиёт ҳодимларининг барчаси замонавий тиббиёт коллежлариди соҳа сирларини чуқур ўрганган, «умумий амалиёт ҳамшираси» дастури бўйича дипломдан кейинги иқтисодлигини муваффақиятли ўтаган етук мутахассислардир.

Умумий амалиёт ҳамшираларининг ҳар бири ўзларига бириктирилган хонадонларда аҳоли саломатлигини асраш, оиладаги тиббий-ижтимоий аҳволни ўрганиш, аҳолини бирламчи тиббий-профилактика қўриғига, имунизация тадбирларига жалб этиш, хонадонда тозалаш, санитария-гигиена маданиятига риоя этилишига эътибор қаратиш, болаларни қўқрақ сутти билан озиқлантиришнинг тарғиб этиш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи иллатларга қарши тарғибот юритиш ва бошқа кенг қўламли тиббий-ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

«Соғлом она — соғлом бола» дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, репродуктив саломатлиқни асраш ҳам ҳамшираларимиз фаолиятида устувор аҳамият касб этади.

Анжуманда аҳоли ўртасида олиб борилаётган тиббий-профилактика ишлари қўламини янада кенгайтириш, бу жараёнда ҳамшираларнинг фаоллигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим талаби экани таъкидланди. Ҳамшираларимиз, нафақат, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсириллар, балки хонадоннинг ҳар бир аъзосини қамраб олиши, ўзига бириктирилган оила аъзоларининг барчасининг жисмоний аҳволини доимий кузатиб бориши, таълим муассасалари ва маҳаллалардаги «Ораста қизлар» тўғрақларининг иш жараёнида янада фаол иштирок этиши лозим. Бу вазифани амалга оширишда маҳаллалар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

— Анжуманда патронаж ҳамшираларининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қўлаб маълумотларга эга бўлди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 41-оилавий поликлиника бош ҳамшираси Гулнора Алимова. — Бизнинг тиббиёт муассасамиз қарийб йигирма тўрт минг аҳолига хизмат кўрсатади. Йигирма икки нафар патронаж ҳамширанинг ҳар бирига икки минг атрофида аҳоли бириктириб қўйилган. Ҳамшираларимиз аҳоли орасида тиббий тарғибот-ташвиқот ишларини белгиланган режа асосида амалга ошириб келмоқда. Тиббий-профилактика йўналишдаги бундай чора-тадбирлар ўз самараларини бераётди. Худудимизда кейинги йилларда оналар, болалар ўлимий қайд этилмади. Юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият барқарор сақланмоқда. Аҳолининг саломатлик кўрсаткичи тобора яхшиланиб бораётди.

Анжуманда соғлиқни сақлаш тизимини ислох этишга оид чора-тадбирлар самаралари, патронаж ҳамширалари фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтириш, «Ораста қизлар» тўғрақлариди тиббий тарғибот ишларини ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлил этилди ва истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Гулбахор РАВШАНОВА

«Ёз — 2013»

БОЛАЖОНЛАР ЯНГИ ОРОМГОҲДА ДАМ ОЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳи яқинда қайта қурилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур оромгоҳнинг очилишига бағишланган тантанали тадбир ташкил этилди.



Унда иштирок этганлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, спорт билан шугулланиши, саломатлигини тиклаш ва мазмунли дам олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишда, яъни республикамизда болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашда Ички ишлар вазирлиги ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Вазирликка қарашли таълим муассасаларида кўплаб ёшлар ўз билим ва малакаларини ошириб, ватанпарварлик руҳида тарбияланмоқда. Бундан ташқари, «Динамо»

ва «Жар» спорт комплексларида ўғил-қизлар спортнинг теннис, бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, футбол, кураш ва бокс каби турлари билан мунтазам равишда шугулланишмоқда.

Кейинги йилларда вазирлик тасарруфидаги ёшларнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб етишишига хизмат қилувчи объектларнинг барчаси реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида қайтадан бунёд этилиб, жиҳозланган «Оқтош» соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Жумладан, замонавий кутубхона, ки-

нотеатр, ётоқхона ва ошхона бугун болалар хизматида. Бундан ташқари, кичик ва катта сузиш ҳавзаси, футбол ва волейбол майдончалари кичкинтойлар ихтиёрига берилган.


Айни кунларда оромгоҳда Ички ишлар вазирлиги тизимига кирувчи ташкилот ва муассасаларнинг шаходатланган ходимлари, ҳарбий хизматчилар, пенсионер ва хизмат вази-фасини бажариш чоғида ҳалок бўлган соҳа вакилларининг фарзандларидан иборат 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган жами тўрт юз нафардан зиёд болакайлар мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

— Бу ерга келганимизга беш кун бўлди, — дейди осовийшталик посбо-

ни оиласида тарбияланаётган 13 ёшли Анвар Қосимов. — Ҳар бир кунимиз қизиқарли ва таассуротларга бой ўтмоқда. Кеча кичик ховузда чўмилдик, кинотеатрда қизиқарли фильм томоша қилдик, футбол ўйнадик. Дам олишимиз учун ҳамма шароитлар етарли ва биз бундан жуда хурсандмиз.

Замонавий тарзда таъмирдан чиқарилган оромгоҳнинг очилиш маросимида таниқли санъаткорлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги маданият саройи қошидаги «Универсал-Арт» жамоаси томонидан жозибали, шўх қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Абдували СОДИКОВ
Ислом Исмоилов олган сурат



Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Бадий кўргазмалар дирекцияси томонидан мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Бизнинг мерос» туркумидаги кўргазмада халқ амалий санъати усталарининг асарлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмадан марҳум усталар Маҳмуд Усмонов, Маҳмуд Қосимов, Незмат Ибрагимов, Жалил Ҳакимов ва уларнинг ишларини давом эттириб келаётган шогирдларининг асарлари ўрин эгаллаган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Владимир Бурмакин, санъатшунослик фанлари номзоди Шохалил Шоёкубов ва бошқалар сўзга чиқиб, марҳум усталарни ёдга олиш баробарида уларнинг шогирдларига улкан муваффақиятлар тиладилар.

Кўргазмага қўйилган ижод намуналарини томоша қилар экансиз, амалий безак санъати асарларининг бир неча турларини, жумладан, ганч ўймакорлиги, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, набойка ҳамда қулолчиликка доир экспонатларни кўриш имкониятига эга бўласиз.

Айниқса, ёғоч ўймакорлиги усталари Мирсоби Обидов, Эргашжон Алиев, Раҳматулла Зокиров, Жамшид

Кўргазмалар

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ УСТАЛАРИ АСАРЛАРИ

Ғоипов ва жорий йилда ўзининг 60 ёшини нишонлаётган хунарманд Сирожиiddин Раҳматуллаевнинг ижодлари алоҳида аҳамият касб этади.

Улар яратган буюмлардаги геометрик шакллар, ўсимлик безаклари ниҳоятда нозик дид билан ишланган. Шунингдек, А.Раҳимов, Р.Раҳимов томонидан тақдим этилган Тошкент набойка мактаби намуналари, матога босилган расмларнинг такрорланмас нақш безаклари томошбинларда катта таассурот қолдирди.

Ф.Ҳамзаев, А.Пўлатов, М.Усмонов, И.Қосимов, А.Умаров ва бошқа кўплаб ганч ўймакорлиги усталари ўзларининг нозик иш жараёнида меъморчиликда ганч ўймакорлик санъатининг юксак бадий даражасини ифода этувчи

бир қанча туркум фотосуратларини намойиш этмоқдалар. Кўргазмадан 50 нафар халқ амалий санъати усталарининг юздан ортиқ ижод намуналари ўрин олган.

Кўргазма доирасида истиқлолимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан бир гуруҳ усталар: Т. Умаров, Э. Алиев, Ф. Ҳамзаев, Х. Мирзахмедов, А.Раҳимов, А. Пўлатовлар Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий ёрлик ва дипломлари билан тақдирландилар.

Сирожиiddин Раҳматуллаевга эса Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медали топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

Ислом Исмоилов
олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Биринчи автокорхона»
ОАЖ «Д» тоифали
ҳайдовчиларни ишга таклиф қилади. Ўртача ойлик маош 1.000.000 -1.200.000 сўм.

Маъмурият.

Манзил: Ҳамза тумани, Уйсозлар кўчаси, 3-уй.

Тел: 280-30-21, 280-30-14.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган, 3 та блокдан иборат, А-блок 2052 кв.м., Б-блок 291 кв.м., В-блок 100 кв.м. бўлган бизнес маркази тақдоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 412 417 707,47 сўм.**


Савдо 2013 йил 15 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 12 июль кунин соат 18:00.

Кўчмас мўлк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'shmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Савбон ф-даги 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 20 июндаги №501-сонли қарорига асосан Бинолардан фойдаланиш департаменти муассислигидаги «Ekspress Kommunal Servis» давлат шўба корхонаси «Poytaxt Technopark» МЧЖ сифатида қайта ташкил этилади ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаракат мақсад сари йўлни очади.

Вақтнинг кўлидан кўп нарса келади.

Худбиннинг кўзига ўзидан бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Иш сурилса, иштиёқ сўнади.

Ҳар ким ўз ишини қилса, бошқаларга иш қолмайди.

Қизганганинг ўзингга ҳам буюрмайди.

Ким дардингни олади, ким вақтингни.

Имиллаганинг иши унмайди.

Биров қуриб берган бахт биноси мустаҳкам бўлмайди.

Ҳаёт қийинчиликларига дош берган дўстликкина таҳсинга лойиқ.

Мақсад гулини сабр кўли тутди.

Тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади.

Кўлидан иш келмаганинг баҳонаси кўп.

Бу дунёда мутлақ хотиржамлик йўқ.

Сукут фақат розилик эмас, норозилик аломати ҳам бўлади.

Бекорчилик — ёмонликлар дояси.

Ақлли кишилар бир-бирларига ҳалақит бермай, ҳар қайсилари ўз ишларини қилишади.

Ўзинг очган йўл сеники.

Ўзидан кўркқан ҳаммага муаммо туғдириб юради.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 июнда Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳрида об-ҳаво шароити шаҳар 26 июль кунин вақти-вақ-ҳаво муҳитида зарарли ти билан ҳаво ўзгариб моддаларнинг бир оз туради, ёғингарчилик тарқалиб кетишига им бўлмайди. Шарқдан се-коният яратади. Ат-кундига 5-10 метр тез-мосферанинг ифлосланиш ликда шомол эсади. даражаси 1-3 фоз па-Харорат кечаси — 20-22, сайиши тахмин қилин-кундузи — 36-38 даража моқда, тағмиқдори наст иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00